



**«АГРАР СОҲАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА
ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ»**

мавзусидаги профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг

I-илмий-амалий конференцияси материаллари

ТЎПЛАМИ

30-31 май 2017 йил

Тошкент

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараккиётида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш, илм аҳли фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларга интеллектуал, маънавий-маърифий ҳамда ахлокий жиҳатдан таълим-тарбия бериш сифатини ошириш, шунингдек, талабаларда ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга ёрдам бериш қобилиятларини ўргатиш ҳамда давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган лойиҳалар асосида олиб борилаётган тадқиқотларнинг илмий янгиликларини ёритиш, профессор-ўқитувчи ва ёш олимлар ўртасида “Устоз-шогирд” анъаналарини давом эттириш, ташаббускорлик хислатларини ривожлантириш борасида фаол изланаётган аграр соҳа ходимларининг илмий изланиш натижаларини кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида ушбу тўплам нашрга таёрланди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- | | |
|-------------------|--|
| Б.А.Сулаймонов | - Тошкент давлат аграр университети ректори, б.ф.д., профессор, раис |
| М.М.Адилов | - Илмий ишлар бўйича проректор, қ.х.ф.д., раис муовини |
| Ш.Б.Аманов | - Илмий тадқиқотлар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, қ.х.ф.д. |
| Р.Ш.Телляев | - “Ўсимликшунослик” кафедраси профессори, қ.х.ф.д., аъзо |
| Р.Д.Дусмуратов | - “Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.д., аъзо |
| Б.М.Худаяров | - “Қишлоқ хўжалик машиналари” кафедраси мудири, техн.ф.д., аъзо |
| М.Х.Досмухамедова | - “Зоотехния” кафедраси ассистенти, қ.х.ф.д., аъзо |
| Н.Б.Раупова | - “Агрокимё ва тупроқшунослик” кафедраси доценти, б.ф.н., аъзо |
| И.Т.Нормуратов | - “Мевачилик ва узумчилик” кафедраси мудири, қ.х.ф.н., аъзо |
| Х.К.Назаров | - “Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги” кафедраси мудири, қ.х.ф.н., аъзо |
| Э.Т.Бердиев | - “Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедраси мудири, қ.х.ф.н., аъзо |
| А.А.Файзиев | - “Олий математика, физика ва кимё” кафедраси доценти, ф.м.ф.н., аъзо |
| О.Р.Файзиев | - “Инновация ва интеграция маркази” раҳбари, аъзо |
| У.Т.Абдуллаева | - “Хорижий тиллар” кафедраси мудири, аъзо |

Ташкилий қўмита:

Б.А.Сулаймонов (раис), М.М.Адилов, У.Ш.Балласов, Р.Ш.Телляев, Ш.Б.Аманов, И.А.Сувонов, А.Ж.Шокиров, К.С.Султонов, Х.К.Алланов, И.А.Исроилов, Э.Т.Фармонов, Н.У.Ражабов, Ч.Р.Бегимкулов, У.Д.Ортиқов, О.Р.Файзиев, У.Т.Абдуллаева, Қ.Ғ.Муротов.

Тақризчилар:

Р.Ш.Телляев - ТДАУ Ўсимликшунослик кафедраси профессори, қ.х.ф.д.

Р.Д.Дусмуратов - ТДАУ Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси мудири, и.ф.д.

Хулоса. Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки шахсий томоркаларда лимон етиштиришда куйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. 100м² иссиқхонага 18 дона лимон кўчати экилади;
2. Учтинчи йилдан бошлаб хар бир туп кўчат ҳосил бера бошлашини инobatга олиб улардаги ортикча навалардан кўчат тайёрлаш оркали қўшимча даромад олинади;
3. Шахсий томоркаларда лимонни маданий “Тошкент” навини экиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №119-сонли Қарори. Тошкент.04.03 2017йил.
2. Фахрутдинов Н.З. Шахсий томоркаларда лимон етиштириш технологияси. Т А В С И Я Н О М А.Тошкент.2017йил.

ОЛМА НАВЛАРИ КЎЧАТИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ВЕГЕТАТИВ ПАЙВАНДТАГЛАРНИ ТАЪСИРИ

И.Т.Нормуратов, И.Ч.Намозов, У.Мирзаев
Тошкент давлат аграр университети

Кўп йиллик амалий тажрибалар ва тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, барпо этиладиган боғларнинг юқори ҳосилдорлиги, қишга чидамлиги ва узоқ умр кўриши, мазкур мева ўсимлиги кўчатлари уларга айнан мос бўлган пайвандтагда етиштирилгандагина таъминланади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда олмани вегетатив йўл билан кўпаяочу пайвандтагларга мос келадиган навларни танлашни илмий асосланган усуллари кўрсатилган.

Калит сўзлар: *Пайвандтаг, дусен, парадиска, навлар, кўчатзор, кўчат, биринчи дала, иккинчи дала, кўпайтириш бўлими, шакл бериш, боғ, парваришлаш, ўсиш, тана, тайёр кўчат.*

Қириш. Ўзбекистон боғлари учун шундай пайвандтаглар зарурки, улар боғ барпо этиладиган шароитларга яхши мослашиши, пайвандўст навлар билан физиологик жихатдан яхши мос келиши, улар билан мустақам бирикиб кетиши, совуққа чидамли, касаллик ва зараркунандаларга нисбатан чидамли бўлиши, мевадан дарахтларнинг узоқ яшаши, ва юқори ҳосилдорлигини таъминлаши лозим.

Омельченко И.К., Жук В.М. [1] таъкидлашича пайванд ёрдамида дарахт-боғ шакллантириш мумкин, деб таъкидлайди бу айниқса қишга чидамли Антоновка обыкновенная, Коричное полосатое ва Грушовка московская олма навларида такрорий пайванд ўтказишда яхши натижа беради. Битта дарахтга ўнлаб навларни пайванд қилиш мумкин. Нокда такрорий пайванд мураккаб, чунки унинг нав таркиби анча кам. Олхўри ва олчани такрорий пайванд қилиш қийин, чунки компонентлар қийин тутиб кетади, дарахтлар эса кучли кесишни кўтара олмайди. Мазкур турга мансуб манзарали навларни такрорий пайванд қилиш мумкин.

И.Т. Нормуратов, С.С. Содикхўжаев, Б.Х. Фуломов [2] кечки олма навларидан паст бўйли пайвандтагларда ўстириш учун Голден Делишес, Голд Спур, Ренет Симиренко навларини кўчатзорда кўпайтиришни тавсия қилмоқдалар.

Н. Schwarzel [4] нинг таъкидлашича, соғлом, ёш ёки ҳосилли боғларда дарахтларни такрорий пайванд қилиш навларни алмаштириш ва нав таркибини янгилашда иқтисодий муқобил усул ҳисобланади. Такрорий пайванд ёрдамида боғбонлар бозорнинг ўзгарувчан талабларига мувофиқ зарур ўзгаришларга тез эришиши ва янги навларнинг ҳосилдорлигини ошириши мумкин, чунки пайвандўстлар катта ёшдаги кучли пайвандтагда ривожланади.

Guo Chuan-you et al., [3] ларнинг тадқиқотида пайванд қилиш техникасининг ривожланиши пайванд назариясининг такомиллашуви ва чуқурлашуви таянади. Тизимли равишда пайванд назарияси ва амалиёти бўйича тадқиқот натижаларини умумлаштириш ўтказилади.

<http://www.chrab.chel.su> [5] веб манбасидан кўриш мумкинки, барча пайванд қилинган мевали дарахтлар икки қисмдан иборат: ер устки (пайвандўст) ва илдиз (пайвандтаг). Пайвандтаглар уруғдан ёки вегетатив йўл билан кўпайтирилади (пархиш ва қаламчаларни илдиз оттириб). Вегетатив йўл билан кўпаяочу (клон) пайвандтаглар орасида шундай ўсимликлар ажратилдики, унга пайванд қилинган олмалар эрта ҳосилга қиради ва кичик ҳажмли шох-шабба ҳосил қилади.

Услуглар ва материаллар. Тадқиқотлар Тошкент давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот ва ўқув тажриба хўжалигида олиб борилди. Олмани вегетатив йўл билан кўпаяочу пайвандтаглари ва олма навлари тадқиқотнинг объекти вазифасини бажарди.

Изланишлар олиб бориладиган боғнинг умумий майдони 0,10 гектарни ташкил қилди, тажриба 4 қайтариқда олиб борилди.

Илдиз тизимининг фаол қисмини ўрганишда “монолитлар” усули В.А. Колесников (1972) қўлланилди. Мевали дарахтларни дала шароитида ўрганиш, П.В. Кондратенко, Н.А. Бублик (1996) услубияти бўйича олиб борилди. Мева ва резавор мева экинларни суғориш дастури ҳамда тажриба олиб боришда Ю.А. Марков (1985) услубидан фойдаланилди. Вегетатив усул билан олмани кўпайтиришда А.Н. Татаринов (1971) услубий қўлланилган асосида иш олиб борилди.

Тажриба маълумотларига статистик ишлов бериш Б.Н. Доспехов (1985) бўйича дисперсион таҳлил усулида ўтказилди.

Тадқиқот натижалари.

Ҳар хил кучсиз ўсувчи пайвандагларнинг уларга пайванд килинган маданий навлар кўчатларининг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ифодаловчи маълумотлар алоҳида қизиқиш уйғотади. (1-жадвал).

У ёки бу нав бир йиллик кўчатларининг энг суст ўсиши ММ105 ва М9 типиди кайд этилди, уларнинг йиллик ўсуви 95 ва 127 см ни ташкил этди, яъни кўчатзорнинг ўзидаёқ мазкур пайвандагларга пайванд килинган ўсимликларда паст бўйлилик яққол намоён бўлди.

Парадизкага нисбатан сезиларсиз кучлироқ ўсиш М7 пайвандагида (136 см) кузатилди, аммо у ММ106 пайвандагида бирмунча юкори (183 см) бўлди.

М9, ММ102, ММ104 даги кўчатлар назоратга нисбатан (Сиверс олмасида – 253 см) ўсиш кучи бўйича сезиларли фаркка эга бўлмади – 247 дан 264 см гача, аммо ММ109 типиди уларнинг анча кучли ўсиши (278 см) қайд этилди. Аксарият пайвандаглардаги энг кучли ўсиш Ренет Симиренко нави энг кучсизи – Жонатан нави кўчатларида, кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Кучсиз ўсувчи пайвандагларда бир йиллик олма кўчатларининг ривожланиши (4 та нав бўйича ўртача; 2014-2016 йй.)

Пайвандаг	Таначасининг диаметри, см	Ўсимлик баландлиги, см	Умумий йиллик ўсиши	
			см	назоратга нисбатан, ±
М9	1,4	131	127	-126
М7	1,4	132	136	-117
ММ102	1,8	148	247	-6
ММ104	1,7	151	264	+13
ММ105	1,3	116	95	-153
ММ111	1,7	151	252	-1
ММ109	1,7	153	278	+25
ММ106	1,5	146	183	-70
Сиверс олмаси (назорат)	1,7	157	253	-
НСР _{0,5}	-	-	-	13,4

Ҳар хил пайвандаглардаги у ёки бу нав, шунингдек, битта пайвандаглардаги ҳар хил навлар кўчатларининг ўсиш кучидаги фарк ҳар хил пайвандаг типлари ва навларнинг биологик хусусиятлари ҳамда уларнинг пайванд компонентлари сифатидаги бир-бирига бўлган таъсири билан боғлиқдир.

2-жадвал

Кучсиз ўсувчи пайвандагларда бир йиллик олма кўчатларининг ўсиш кучи (умумий йиллик ўсиши, см; 3 йиллик ўртачаси)

Пайвандаг	Старкримсон	Джонатан	Ренет Симиренко	Голден Делишес
М9	302	147	319	240
М7	119	113	191	123
ММ102	260	186	318	226
ММ104	323	202	371	248
ММ105	93	94	112	86
ММ111	115	82	177	129
ММ109	198	238	411	261
ММ106	139	190	243	162
Сиверс олмаси (назорат)	311	185	284	232

Сезиларли фаркларни ўсиш кучи ҳар хил пайвандаглар ва пайвандуст куртакларнинг шохланишига мойилликни келтириб чиқаради.

Пайвандагнинг пайвандустга таъсири кўп томонли бўлиб, у ўсимликнинг бутун ҳаёти мобайнида юзага чиқади. Пайвандагга қўйиладиган биологик ва ҳўжалик характеридаги талаблар айнан шу билан белгиланади.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар. Бу борада ўтказилаётган тадқиқотлар натижасида ҳудуд шароитидан келиб чиқиб қўйидаги хулосалар ва ишлаб чиқаришга тавсиялар берилди.

Янги боғлар учун шундай пайвандаглар зарурки, улар боғ барпо этиладиган шароитларга яхши мослашиши, пайвандуст навлар билан физиологик жиҳатдан яхши мос келиши ва узоқ йиллар мобайнида юкори сифатли мевалар беришикерак;

Олма дарахтлари ер устки қисмининг ўсиши ва ўлчамлари пайвандагнинг ўсиш кучига бевосита

боғлиқдир. М9 пайвандтагига пайванд қилинган дарахтларнинг ҳажми кичик бўлиши билан ажралиб турди. Ўртача ўсувчи клон ММ102, ММ104 ва ММ109 пайвандтагаридаги дарахтларнинг ҳажми катта бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Омельченко И.К., Жук В.М. Сучасни типи интенсивних насаждени яблуну в Украини // Садивництво.- 2005.- Вып. 57. - С. 243-252.
2. Нормуратов И.Т., Содикхўжаев С.С., Фуломов Б.Х. Олма кўчатининг кечки навларини она кўчатзорда ўстириш технологияси // Сохранение и устойчивое использование биоразнообразия лесных и плодовых пород, г. Ташкент, Узбекистан 21 мая 2010 – Т. - С. 35-39.
3. Guo Chuan – you, Huang Jian – qin, Fang Yan – ming. // Jiangxi nongye daxue xuebao. 2004. – № 1. –Т. 26. – Р. 144-148.
4. Schwarzel H. Ist die Umveredlung von Kernobstanlagen noch zeitgema? // Erwerbs - Obstbau, 1997. – № 2. – Т. 39. –Р. 42-44.
5. <http://www.chrab.chel.su>

ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ШИРИН ҚАЛАМПИРНИ ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ СХЕМАСИ ВА КЎЧАТ ЁШИНИНГ ТАЪСИРИ

О.Қодирходжаев, Ф.Расулов, Д.М.Якубова
Тошкент давлат аграр университети

Мақолада республика бўйича сабзавотлар етиштириладиган майдон тўғрисида маълумот берилган. Ширин қалампирни такрорий экин сифатида экиш схемаси ва кўчат ёшини уни ўсиши ва ривожланишига таъсири баён этилган.

Ширин қалампир 70x40x1 ва 70x40x2 схемада экилганда ҳар тупда ҳосил бўладиган бачки шохчалар сонини кўпайиши ва барг поя вазнига таъсири ёритилган. Чучук қалампирни 60 кунлик кўчати 70x40x2 схемада экилса, назорат экиш вариантига нисбатан ҳосилдорлиги 6 т гача кўпайиши асослаб берилган.

Калит сўзлар: қалампир ўсимлиги, экиш схемалари, нав, кўчат ёши, ҳосил, такрорий экин.

Кириш. Мамлакатимизда сабзавотчилик қишлоқ хўжалигининг ғоят муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, Республикаимиздаги 3,5 минг гектар суғориб деҳқончилик қилинадиган майдоннинг 210 минг гектарини ёки 6 % дан ортиқроғини сабзавот, полиз ва картошка экинлари етиштирилади. Республикада сабзавотлар етиштириладиган умумий майдонни 40 % дан кўпроғи тоmatдош сабзавотларга тўғри келади. Бу экинлар орасида ширин қалампир муҳим аҳамиятга эга. Саbзавотчиликда интенсив усуллардан кенг фойдаланган ҳолда ҳосилдорликни кескин ошириш бугунги кун талабидир. Саbзавот экинлари ҳосилдорлиги гектарига 23,1 тонна, ширин қалампир 15,0-18,0 тоннани ташкил қилмоқда.

Ширин қалампирдан олинадиган ялпи ҳосилни кўпайтириш усулларидан бири, уни эртаги сабзавотлардан бўшаган ерларга такрорий экин сифатида кўчатидан экишдир. Ширин қалампирдан юқори ҳосил олишда экиш схемасини тўғри танлаш уни етиштириш технологиясининг асосий элементларидан ҳисобланади. В.В.Бородычев ва бошқалар (2010) Волгоград шароитида ширин қалампирнинг 40-45 кунлик кўчатини 70x25 см схемада экишни тавсия этганлар.

Т.Э.Остонокулов (2008) 4-5 дона чинбаргли чучук қалампир кўчатларини 60, 70 ва 90 см кенгликдаги эгатларга, ўсимликлар орасини 25-30 см қилиб экиш юқори самара беради деб хабар қилган.

Усуллар ва материаллар. Тажрибани амалга ошириш учун 2015 йилёз фаслида ширин қалампирнинг Дар Ташкент навининг 45 ва 60 кунлик кўчатини 20 июнда 6 хил схемада (70x20, 70x30 (наз), 70x40x1, 70x40x2, 70x50x1 ва 70x50x2) экиб тажриба ўтказилди. Тажрибада ҳисобга олинадиган ниҳоллар, узунлиги 10 м бўлган эгатларни 4 қаторига экилди, 4 такрорланишли усулда. Тажриба ўтказилган умумий майдон юзаси 168 м². Тажриба майдончасида тасдиқланган дастурга мувофиқ фенологик, биометрик ва бошқа кузатувлар ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. Кузатувлардан маълум бўлишича, ширин қалампирни 45-60 кунлик кўчатларини бир муддатда (20 VI) экилса уларни ўсиши ва ривожланишида сезиларли даражада ўзгаришлар бўлар экан—I жадвал.

I-жадвалда келтирилган рақамлардан маълум бўлишича ширин қалампирнинг ер устки вегетатив қисмини ўсиши ва ривожланишига экиш схемаси ва кўчат ёши сезиларли даражада таъсир этар экан.

Барча экиш схемаларида 45 кунлик кўчатларни, ўсимлик қийғос гуллаш босқичидаги баландлиги 30.....32 см оралиғида бўлишлиги аниқланди.60 кунлик ниҳоллар экилган вариантдаги ўсимликларни баландлиги эса 45 кунлик ниҳоллар баландлигидан 3-4 см юқори бўлишлиги маълум бўлди.Қатордаги ўсимликлар орасидаги масофани 20 см дан 50 см гача катталашиб боргани сари уларни баландлиги кўчат ёшидан катъий назар кискариши кузатилди.

Барча экиш схемаларида 60 кунлик кўчатлар экилган вариантларда ҳар тупда ва гектарда ҳосил бўлган барг сатҳи 45 кунлик ниҳоллар шакллантирган барг сатҳидан кўп бўлишлиги аниқланди. Яъни, биринчи экиш схемасида 45 кунлик кўчат ҳар тупда 0,36 дм², барг юзасини ҳосил қилган. Бу вариант барг юзалари назорат экиш схемасида ўсган ўсимликлар барг юзасидан 0,1-0,3 дм² кам шакллантирди. Бунга қатордаги ўсимликлар

ОЧИҚ МАЙДОНЛАРДА САБЗАВОТЛАРНИ НООДАТИЙ УСУЛДА ЕТИШТИРИШ <i>С.А.Юнусов</i>	80
ШАХСИЙ ТОМОРҚАЛАРДА ЛИМОН ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ <i>Ж.Ф.Абдушукуров, Н.З.Фахрутдинов</i>	82
ОЛМА НАВЛАРИ КЎЧАТИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ВЕГЕТАТИВ ПАЙВАНДТАГЛАРНИ ТАЪСИРИ <i>И.Т.Нормуратов, И.Ч.Намозов, У.Мирзаев</i>	84
ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ШИРИН ҚАЛАМПИРНИ ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ СХЕМАСИ ВА КЎЧАТ ЁШИНИНГ ТАЪСИРИ <i>О.Қодирходжаев, Ф.Расулов, Д.М.Якубова</i>	86
НАУЧНЫЙ ПОДХОД ОБРАБОТКИ ФРУКТОВ И ОВОЩЕЙ ПОЛИМЕРНЫМИ ПОКРЫТИЯМИ НА ОСНОВЕ ХИТОЗАНА ДЛЯ УВЕЛИЧЕНИЯ СРОКА ИХ ХРАНЕНИЯ <i>Ф.Т.Абдуллаев, Т.В.Дубовик, И.Х.Холмирзаев</i>	88
ТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ САЖЕНЦЕВ ВИНОГРАДА МЕТОДОМ INVITRO <i>К.С.Султанов, Н.Ш.Енилеев, З.Нуриддинов</i>	89
ОСОБЕННОСТИ ПОЛУЧЕНИЯ ВЫСОКОКАЧЕСТВЕННЫХ САЖЕНЦЕВ ВИНОГРАДА МЕТОДОМ IN VITRO <i>К.С.Султанов, Н.Ш.Енилеев, З.Нуриддинов</i>	92
УРУҒЛИК ТУГАНАКЛАРИНИ УНДИРИШ УСУЛЛАРИНИ ЭРТАГИ КАРТОШКА ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ <i>Ж.Тўраев, О.Қодирходжаев, Д.Якубова</i>	94
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОГ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА МАЙИЗБОП УЗУМ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ <i>М.И.Одинаев, Ш.Э.Умидов</i>	97
ТОКЗОРЛАРДАН СИФАТЛИЙ УЗУМ ОЛИШДА МУҲУМ ТАДБИРЛАР <i>М.М.Мирзаев, М.И.Одинаев</i>	99
“СОВУҚ ЗАНЖИР” ТИЗИМИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ <i>Ш.Э.Умидов, Ш.Юлдошева, Б.Абдуллаев</i>	100
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШДА “СОВУҚ ЗАНЖИР” ТИЗИМИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>Ш.Э.Умидов, Т.Норматов</i>	102
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА ЕТИШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ <i>Ш.Э.Умидов, Э.Х.Бердимуродов, А.Ч.Маматраимов</i>	104
ОШ ЛАВЛАГИНИНГ ФЙДАЛИ ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ҚУРИТИШ <i>М.Б.Мирсултонов</i>	107
ГИЛОС НАЙВАНДТАГЛАРИНИ ЯШИЛ ҚАЛАМЧАДАН ЖАДАЛ КўПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ <i>З.А.Абдикайюмов, З.А.Дехқонова, С.Юсупов</i>	108
ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ ШАРОББОП УЗУМ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ БИОКИМЕВИЙ ТАҲЛИЛИ <i>Н.Ч.Наркабулова</i>	110
ВИРУССИЗ УРУҒЛИК КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>С.Ашурова, Ф.Расулов, Д.Турсунов</i>	114
ПРОИЗВОДСТВО ВЫСОКОКАЛОРИЙНЫХ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ ИЗ УЗБЕКСКИХ СОРТОВ ДЫНЬ <i>О.О.Рахматов, Ф.О.Рахматов, Ж.Н.Равшанов</i>	116
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ ЛИНИИ ПО ПРОИЗВОДСТВУ ВЯЛЕННОЙ ДЫНИ <i>О.О.Рахматов, Ф.О.Рахматов, С.Х.Исликов</i>	118
ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ <i>З.С.Искандаров, З.З.Джамалов, Г.М.Абдиева</i>	121